

Ўзбекистон Республикаси "EXPERT-AUDIT" Аудиторлик ташкилоти Тошкент шаҳри. Ахунбабаев кучаси, 1/66- уй тел.: +99891554-52-77, +998 97 425-22-18 E-mail: expert-audit.uz@mail.ru	«EXPERT-AUDIT»	Республика Ўзбекистан Аудиторская организация "EXPERT-AUDIT" р/сч. 20208000505155777001, в АКБ "ДАВР банк", МФО:00981. ИНН: 306947106.
---	-----------------------	--

"25"март 2025 йил

Тошкент шаҳри

Молиявий ҳисоботдан
фойдаланувчиларга

Мустақил аудиторлик ташкилотининг
"Сергели Дехкон Бозори" АЖнинг
2024 йил молиявий ҳисоботларига ижобий фикр билдирилган

АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

Фикр

Биз Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги тамонидан 24.06.2020 йилда руйхатга олинган «EXPERT-AUDIT» аудиторлик ташкилотининг аудитори Т.Юсупов томонидан хўжалик юритувчи субъект "Сергели Дехкон Бозори" АЖнинг 2024 йил 1 январдан 2024 йил 31 декабрь даври учун Бухгалтерия ҳисобининг Халқаро Стандартлари (БХХС) га мувофиқ тайёрланган "Молиявий ҳисоботи"нинг ишончлилигини 2025 йилнинг 5-март куни тузилган № 1-17 сонли шартномага асосан мажбурий тарздаги аудиторлик текшируви ўтказилди.

Бизнинг фикримизча хўжалик юритувчи субъект "Сергели Дехкон Бозори" АЖнинг 2024 йил 1 январдан 2024 йил 31 декабргача даври учун тузилган 1-шакл «Бухгалтерия баланси», 2-шакл «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот», ҳисоботлардан иборат бўлган 2024 йил 31 декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ва Бухгалтерия ҳисобининг Халқаро Стандартлари (БХХС) талабларига мувофиқ келади.

Фикр билдириш учун асослар

Биз Аудитнинг Халқаро Стандартларига (АХС) мувофиқ аудит ўтказдик. Бизнинг ушбу Стандартлар бўйича жавобгарлигимиз ушбу хулосанинг "Аудиторнинг молиявий ҳисоботни текшируви бўйича жавобгарлиги" бўлимида батафсил ёритилган. Биз корхонадан мустақил равишда ахлоқий қоидаларига, молиявий ҳисобот аудитига тегишли Стандартларга мувофиқ бажарганмиз. Биз олган аудиторлик далиллари фикримизни ифода этилишини тасдиқлаш учун етарли ва ўринли деб ҳисоблаймиз.

Молиявий ҳисобот учун раҳбарият ва корпоратив бошқарув ваколатига эга шахсларнинг жавобгарлиги

Раҳбарият молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тўғри тақдим этиш учун, амалдаги қонунга мувофиқ фирибгарлик ва хатолик туфайли жиддий бузиб кўрсатилган молиявий ҳисоботларни тайёрлаганлик учун, ҳамда раҳбарият томонидан қабул қилинган ички назорат тизими учун жавобгар.

Молиявий ҳисоботни тайёрлашда раҳбарият корхона фаолиятининг узлуксизлини баҳолашга, зарур ҳолларда узлуксиз фаолият билан боғлиқ бўлган ахборотларни ошкор этиш ва фаолият узлуксизлиги тахминига кўра ҳисобот беришга жавобгар, агарда раҳбарият томонидан корхона фаолиятини тугатиш, фаолиятни тўхтатиш ёки бошқа ҳолатлар мавжуд бўлмаса.

Корпоратив бошқарув учун масъул шахслар корхонанинг молиявий ҳисоботларини тайёрлашни назорат қилиш учун жавобгардир.

Молиявий ҳисобот аудити учун аудиторнинг жавобгарлиги

Бизнинг мақсадимиз молиявий ҳисоботлар фирибгарлик ва хатолик туфайли бўладиган жиддий нотўғри кўрсаткичлардан ҳоли эканлигига ишонч ҳосил қилиш, ҳамда аудиторлик фикрини аудиторлик хулосасида акс эттириш. Оқилона ишонч ишончнинг юқори даражаси бўлиб, АХС ларга мувофиқ ўтказилган аудит ҳар доим ҳам мавжуд жиддий хатоларни аниқлай олишга қафолат эмас. Фирибгарлик ёки хатолик туфайли бузиб кўрсатишлар юзага келиши мумкин, ушбу бузиб кўрсатишлар ягона ёки жами бўлиб

молиявий ҳисоботдан фойдаланувчилар иқтисодий қарорларига таъсир килиши мумкин бўлса, муҳим ҳисобланади.

Аудитнинг Халқаро Стандартларига мувофиқ аудитнинг бир қисми сифатида биз бутун аудит давомида профессионал мулоҳаза юритиб ва профессионал скептицизмни қўладик. Бундан ташқари қуйидагилар бажарилди:

- **фирибгарлик ёки хатолик туфайли молиявий ҳисоботнинг жиддий бузилиши хатарини аниқлаш ва баҳолаш, ушбу хатарларга жавобан аудиторлик амалларини ишлаб чиқамиз ва бажарамиз, аудит фикри учун асос бўлиб хизмат қиладиган аудиторлик далилларини олдик.** Фирибгарлик натижасида муҳим бузиб кўрсатишларни топилмаслик risksи хато туфайли муҳим бузиб кўрсатишларни топилмаслик risksидан юқори, чунки фирибгар сохталаштириш, қасддан хато килиш, нотўғри маълумот бериш ёки ички назорат тизимини четлаб ўтувчи хатти-ҳаракатларни амалга оширган бўлиши мумкинлиги;
- **Қорхонанинг ички назорат тизимининг самарадорлиги тўғрисида ўз фикримизни билдириш учун эмас, балки вазиятга мос келадиган аудиторлик тартиб-таомилларини ишлаб чиқиш мақсадида, аудитор тадбиркорлик субъекти ўз молиявий ҳисоботларини тайёрлаши ва ҳаққоний тақдим этиши билан боғлиқ бўлган ички назорат тизимини қўриб чиқдик;**
- **қўлланилаётган ҳисоб сиёсатининг мақбуллиги ва тадбиркорлик субъекти раҳбарияти томонидан ҳисоблаб чиқилган баҳоларнинг асослилигини баҳолашни, шунингдек молиявий ҳисоботларнинг ифодаланишини баҳоладик;**
- **бухгалтерия ҳисоби ва бошқарувдан олинган аудиторлик далиллари асосида, қорхонанинг фаолиятни узлуксиз давом эттириш қобилиятига жиддий шубҳа туғдириши мумкин бўлган воқеалар ва ҳодисалар билан боғлиқ муҳим ноаниқликлар мавжудми ёки йўқлиги тўғрисида, раҳбарият фойдаланиши мақсадга мувофиқлиги тўғрисида хулоса қилдик.** Биз муҳим ноаниқликлар мавжуд бўлиши мумкинлигини ҳисобга олиб аудит ҳисоботида молиявий ҳисоботдаги ноаниқликларни ёритиб беришга эътиборимизни қаратдик. Бизнинг аудит хулосамиз олинган аудиторлик далилларига асосланади.



Аудиторлик ташкилоти
Директори:

Аудитор:

Аудитор малака сертификати рақами
№ 05642 21.02.2020 берилган

Т.Юсупов

Т.Юсупов

Аудиторлик тегируви ўтказилган хўжалик субъекти тўғрисидаги маълумотлар:

Номи: "Сергели Дехкон Бозори" АЖ
Реквизитлари: ТИФ "Миллийбанк" бош офиси
МФО 00 450, ИНН: 200 648 833
Ҳисоб рақам: 2020 8000 4001 1950 4001-сонли асосий ҳисоб рақами.
Манзили: Тошкент шаҳар, Сергели тумани Янги Сергели кучаси, Сергели-6 мавзе

Аудиторлик ташкилоти тўғрисидаги маълумотлар:

Номи: «EXPERT-AUDIT» auditorlik tashkiloti Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2020 йил 24 июнда аудиторлик ташкилотлари реестрига киритилган.
Реквизитлари: х.р. 2020 8000 5051 5577 7001, АКБ «Давр банк» Ташкент шаҳри Шайхонтоҳур филиали, МФО 00981, ИНН 306 947 106. Тошкент шаҳри, Ахунбабаев кучаси, 1/66-уй.